

ТИҚХММИда “Академиклар учун Инглиз тили” курси



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги, Олий Таълим Тизими Педагог ва Раҳбар Кадрларини Қайта Тайёрлаш ва Уларнинг Малакасини Оширишни Ташкил этиш Бош Илмий Методик Маркази ва Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ҳамкорлигига олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчилариға мўлжалланган “Академиклар учун Инглиз тили” курси дастури ишлаб чиқилган.



Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги **ПҚ-2909-сонли** қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш асосида, олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларни хорижда малака ошириш, стажировка ва алмашинув дастурларида қатнашиш ҳамда ўз соҳаларида амалий ва илмий конференцияларда самарали иштирок этишда, мақолалар чоп этишда халқаро талаблар даражасида фаолият юрита олиш учун зарур бўладиган инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Дастурни ишлаб чиқишида Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (**CEFR - Common European Framework of Reference**) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинган.

Мазкур мақсадда жорий йилнинг 1 март санасида **Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Мухандислари Институтининг** Британия Кенгаши ҳамкорлигига ташкил қилинган **Касбий Ривожлантириш Марказида “Академиклар учун Инглиз тили”** курслари ўз фаолиятини бошлаган эди. Мазкур курсда (**3 хафта аудитория ва 2 ой онлайн машғулотлари**) 30га яқин турли мутахассисликдаги профессор-ўқитувчилар иштирок этиб келишмоқда. Юқорида таъкидланганидек курс тингловчилари дастурга биноан чет тиллари бўйича умумэътироф этилган халқаро **CEFR** меъёрларга кўра **A2, B1 ва B2** даражаларга ажратилиб, **курс фаол ўқиш ва он-лайн режимидаги мустақил таълим шаклида олиб борилмоқда.**



“Академиклар учун Инглиз тили” курси давомида тингловчиларга инглиз тили кўникмаларини ўзлаштиришлари ва касбий малакаларини оширишларида самарали ҳисобланган қатор замонавий адабиётлар ва **онлайн ресурслар** ҳавола этилмоқда. Шунингдек, курс орқали тингловчилар чет тилини ўрганишда муҳим ҳисобланган мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириб бордилар ва бунда уларни олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўрсатмаси асосида Британия Кенгаши томонидан махсус яратилган <http://english.edu.uz> ўқув платформа орқали тренерлар қўллаб-қувватлаб бордилар. Платформа орқали илгари сурилаётган тил ўрганишга бўлган ёндашув, тингловчиларнинг ўз касбий малакаларини ошириб боришига хизмат қилиб келмоқда.

Таъкидлаб ўтамизки, ҳалқаро лойиҳа доирасида ташкил қилинган мазкур **Касбий Ривожлантириш Марказида** Британия Кенгаши томонидан тақдим этилган хорижий адабиётлар ва электрон дастурлар ҳам курс тингловчиларнинг чет тили кўникмаларини янада чуқурроқ ўзлаштиришлариға замин яратмоқда.



Шунингдек, курснинг **онлайн режимидаги** ҳар ҳафталик турли хил топшириқлари **Ўқиш, Ёзиш, Тинглаш, Гапириш, Грамматика, Луғат ва Талаффуз** каби тил қўникмаларини такомиллаштиришга ва мақсадларни белгилаш, ўзини ўзи бошқариш ва маълумот излаш каби таълим стратегияларини ишлаб чиқишига қаратилганлиги курс тингловчиларига манзур бўлди. Тингловчиларга курс жараёнида **Британия Кенгashi** томонидан тақдим қилинган **видео, аудио, подкастлар, ўқув материаллари, интерфаол машқлар, тил ўрганиш ҳаволалари** турли вазифаларни янгила ёндашувлар орқали бажаришда дунёning энг яхши ўқув манбаларидан унумли фойдаланиш имконини берди.

“Академиклар учун Инглиз тили” курси тингловчилари жорий йилнинг 8 май санасида масофавий курснинг <http://english.edu.uz> ўқув платформаси онлайн режимини муваффақиятли якунлаганликлари платформа муносабати билан **Бош Илмий Методик Маркази** томонидан сертификатлар билан тақдирландилар.



Шу билан биргаликда, курс тингловчилари марказ тренерлари билан масофавий таълим орқали онлайн фаолиятларини давом эттириш иштиёқидалар.



Умид қиласизки, жамоамизнинг бу каби профессор- ўқитувчилари ўз соҳаларида амалий ва илмий фаолият юритишларида зарур бўладиган инглиз тили қўникмаларини янада такомиллаштириш асосида касбий компетентлик ва педагогик маҳоратларини халқаро талаблар даражасида доимий ривожланишини таъминлаб борадилар.

“Инглиз тили” кафедраси катта ўқитувчиси Эшchanova Гўзал маълумоти.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати